

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2006-yil • 26-dekabr • Seshanba • 152 (27.643) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Мамлакатимизнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири — «Файз холдинг» компанияси таркибда фаолият кўрсатаётган «Файзли — Бағдод» масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа фурсатда корхонада ишлаб чиқарилаётган олий ўқув юртлари, коллеж, умумтаълим муассасалари учун ўқув ва ётоқхона жиҳозлари ўзининг юқори сифати, қулайлиги ҳамда бежирим кўриниши билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Жорий йилда Бағдод тамғаси туширилган 150 турдаги маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу борада бозор талаблари асосида иш юритаётган мебелчилар маҳаллий хомашё ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратганлар.

Корхонада маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш, технология жараёнларни такомиллаштириш мақсадида германиялик ҳамкасблар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Германиянинг «HOMAG GUS» компанияси билан тузилган шартномага кўра кўплаб замонавий ишлаб чиқариш ускуналари

• **Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!**

БАҒДОД МЕБЕЛЛАРИ




олиб келинди. Янги дастгоҳлар афзаллиги шундаки, маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча асосий иш кўламли компютер ёрдамида амалга

оширилади. Ҳозир вилоятнинг барча умумтаълим мактабларида мазкур корхона мебелларини кўриш мумкин. — Корхонамизда савдо уйи

ҳам фаолият қурятаяпти, — дейди жамият раҳбари Мухаммадҷон Деҳқонов. — Айни пайтда шу ернинг ўзига буюртмалар қабул қилиш ишлари ҳам йўлга қўйилган...

Суратларда: уста М.Қодиров ва цех бошлиғи С.Оқилов; ишчи Ш.Мирзаматов; корхона маҳсулотларидан намуналар. **Мухаммадҷон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар**



СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА

Навоий шаҳрида аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган «Комила-Шарқ» Ўзбекистон — Венгрия қўшма корхонаси иш бошлади. Корхонада замонавий хорж технологиялари асосида кийим-кечак, гилам, пояндоз ва бошқа уй-рўзгор буюмлари кимёвий усулда тозаланади.

Қўшма корхона раҳбари Самандар Қобуловнинг айтишича, корхона ишга тушиши билан йигирмага яқин хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда юзга яқин кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага бепул хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, уларнинг уйига бориб хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Корхона хизматига талаб кун сайин ошиб бормоқда.

Еркул УМАР, ЎЗА мухбири

БУГУН ПОЙТАХТДАГИ

Халқаро бизнес марказида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаолларнинг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримов томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ЎзХДП маҳаллий ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинади.

Конференция ишида партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этадилар.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинади ва тадбирлар ишлаб чиқилади.

(Конференция иши тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонидан таъриф қилинади).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 26 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бажона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўма нисбатан кўйилган қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари 971,29	1 Малайзия рингити 351,08	1 ЕВРО 1625,89
1 Англия фунт стерлинги 2426,06	1 Польша злотийси 425,84	10 Жанубий Корея вони 13,36
1 Дания кронаси 218,24	1 СДР 1867,17	10 Япония иенаси 104,35
1 БАА дирҳами 337,85	1 Туркия лираси 870,18	1 Россия рубли 47,16
1 АКШ доллари 1240,00	1 Швейцария франки 1015,64	1 Украина гривнаси 245,54
1 Миср фунти 217,35		
1 Исландия кронаси 17,09		
1 Канада доллари 1071,00		
1 Хитой юани 158,58		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг йиғилиши бўлди. Йиғилиши Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова ахборотини тингладилар.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги ахборотни Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамага киритишга қарор қилди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг 2007 йилга мўлжалланган қўнунчилик ва назорат фаолияти режасини, шунингдек, тадбирларини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Бу режа ва тадбирларда, аввалги йилларда бўлгани каби, эътибор асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юбориладиган қўнунлар юзасидан хулосалар тайёрлашга, Ўзбекистон Республикаси қўнунлари, Сенат ва унинг

қўмиталарининг қарорлари ижро этилишини ўрганиш ва муҳокама қилишга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, депутатлари фаолиятининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган норматив ҳужжатларни тайёрлашга, турли долзарб мавзуларда семинарлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ўтказишга қаратилди.

Кенгаш ўзининг 2007 йилдаги мажлисларида муҳокама қилиниши мўлжалланаётган масалалар рўйхатини кўриб чиқди ва тасдиқлади. Қонунчилик, назорат-таҳлил фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўйича қўмиталар ишнинг мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидандир.

Кенгаш ўз ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши кўриб чиқилган ҳамма масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашдаги айрим масалалар тўғрисида»ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Утган давр мобайнида амнистия тўғрисида мамлакатимиз Конституциясида белгиланган инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда ўн саккиз марта Президент Фармони ва Сенат қарори эълон қилинди.

2006 йил 30 ноябрда эълон қилинган амнистия акти асосида шу йил 21 декабрда қадар республика судлари томонидан 3 минг нафардан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан, 200 нафарга яқин шахс эса қамқодан озод қилиниб, оиласи бағ-

рига қайтарилди.

Судлар амнистия акти таъсири доирасига тушадиган жиноят ишларини кўришда қўнунчилик меъёрларини асосан тўғри қўллаши билан бирга, амнистия актларининг айрим бағдарларини татбиқ этишда судлар фаолиятида савол ва тушунмовчиликлар учраётгани қайд этилди. Пленум томонидан амнистия актини қўллаш бўйича ягона суд амалиётини жорий этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, «Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қўнунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53, 54-моддаларида белгиланганидек, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Мулк ҳуқуқининг бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши битимлар, хус-

сан, олди-сотди, ҳада, айир-бошлаш, қарз ва шартномалар орқали амалга оширилади.

Шу маънода, ҳужжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ҳамда фуқаролар ўртасида шартномавий муносабатлар доирасининг кенгайиб бориши битимларга оид қўнунчилик меъёрларини аниқ ва бир хилда қўлланилишини тақозо қилади.

Пленумда судлар битимларга оид муносабатларни тартибга солувчи қўнунчилик меъёрларини асосан тўғри татбиқ этиб келаётгани таъкидланган бўлса-да, қўнунчилик меъёрларининг судлар томонидан бузилишининг олдини олиш ҳамда ушбу меъёрларнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида тегишли тушунтириш берилди.

Пленум мажлиси муҳокамага киритилган бошқа масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

• ЎзХДП ҳаёти

ИЖРОҚҰМ МАЖЛИСИ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП минтақавий кенгашлари раислари ва Марказий Кенгашнинг масъул ходимлари ҳам иштирок этадилар.

Халқ демократик партияси маҳаллий ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаолларнинг «Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А.Каримов томонидан 2007 йили «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ЎзХДП маҳаллий ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари тўғрисида»ги республика конференциясининг ўтказиши билан боғлиқ масалалар мажлис кун тартибидан жой олди. Шунингдек, партия нашрларига 2007 йил учун обунанинг жой-

ларда бориши, партия фаолларининг сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидagi ўқуви тўғрисида ва партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Ижроқўм мажлисида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

• «Мен нега ХДПни танладим?»

КЕЛАЖАК ВА БУГУННИНГ ГАПИ

Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгаши раисининг ўринбосари Зилола Норованинг хонасида анча киши тўпланган.

— Юнус ака, бироз кутиб туролмайсизми, — дейди Зилола эътиборини менга қаратиб. — Янги қўнунлар лойиҳалари ҳақида суҳбатлашаётган эдик. Сиз учун ҳам қизиқарли бўлишига ишонаман...

Суҳбат мавзуси — «Давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳалари ҳақида экан.

Кенгашга йиғилган партия аъзолари брасида турли касб эгалари, ёшлар кўллиги эътиборини тортди. Улар ўзаро

қизгин фикр алмашишарди. Мен ён дафтарчамни очиб, Китоб туман кенгашига оид маълумотларни кўздан кечирдим. Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида илгариги 3,5 минг аъзодан 2581 нафари қолибди. Лекин 60 дан ортиқ янги аъзолар, асосан ёшлар партия сафини тўлдирди бошлабди.

— Агар қарши бўлмасангиз, дўстларимизга «ХДПни танладимизми?» деган саволни бермоқчи эдим, — дея Зилоладан илтимос қилдим. — Бугунги воқеалар, янги йилдаги вазифалар ҳақида ҳам гапиришлари мумкин.

— Бемалол, — дейди Зилола Норова жонланиб. — Ҳозир 90 та бошланғич, 44 та ҳудудий партия ташкилоти фаолият кўрсатаёпти.

Ёрқин ТУРОПОВ, туман ҳокимлиги маърифат-тарғибот маркази масъул котиби:

— Мақсадимиз ва миллий гоғларимизни сўз кучи, фикр ва мушоҳадаларимиз билан одамларга етказамиз. Туманимизда 200 минга яқин ўзбеклар билан бирга тожик, турк, татар миллатига мансуб кишилар аҳил яшаб келишмоқда. Варганза қишлоғида яшаётган тожиклар ўзбекча-ни қойиллатиб гапиришади, қуда-анда бўлиб кетишган. Шу жойда ўтказилган «Кудратимиз дўстлик ва ҳамжиҳатликда» мавзусидаги тадбирга ХДП туман кенгаши бош-қош бўлди. Бундай тадбирлар, жонли суҳбатлар партиянинг обрўсини оширади.

Очиги, менга ҳам партиядан чиқиб ҳақида гапиришган. Мен рад этдим. Чунки партияга хурматимиз баянда. Одамлар ҳаётини энгиллаштириш, ижтимоий бозор тарафдорлиги каби бошқа кўплаб ҳаётий масалалар партия Дастурига киритилган...

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSAMOATQURILISHBANK

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HANMOR!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ЛАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

Миллат ва маънавият

ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИДА МУРОСАСОЗЛИК ВА ЯҚДИЛИК

Бирор-бир халқ ҳақида фикр билдирилган экан, даъволаш ушбу халқ вакиллари бир-бирлари билан қанчалик ҳамжиҳатлиги, яқдиллиги, аҳиллиги масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Агар мазкур халқ ўзаро иноқ, ҳам-фикр, уюшқоқ деган мулоҳазага келинса, бошқаларда беихтиёр ҳурмат туйғуси уйғонади. Маънода, бу халқ ҳусусида салбий фикрлар билдирилса, бошқалар улардан ўзларини узоқроқ тутишади, ўйлаб иш қилишга ва сергак бўлишга интиладилар. Шу боис ўзаро аҳиллик, миллий бирдамлик масаласи дунёдаги барча халқлар тақдири ва тарихида ҳамийша долзарб бўлиб келган.

Ўзбеклар табиатан жамоавий миллатдир. Бирор-бир ўзбек йўқи, тўйи ёхуд маъракасини кўни-қўшни, қавму қариндош, яқин биродарларисиз ўтишини тасаввур этса. Демак, миллатимизнинг моҳияти эътиборига кўра жамоавий эканлигига ташбўх йўқ. Жамоавий халқ эса ўз тақдири, мақсади, миллий гурури, яқдил ҳаракати қилишга интилиши кучли бўлиши билан фарқланади. Шунингдек, халқимиз ўзининг урф-одатлари, анъаналари, ўзига хос феъл-атвори билан бошқа миллатлардан ажралиб туради.

Жамоавий турмуш тарзи қадим-қадимдан халқимиз вакиллари қишлоқ, маҳалла тузилмалари муҳитида яшашларини, шахар миқёсида эса муайян касб-хунар ёки илм-фан соҳаларида биргаликда фаолият юритишларини тақозо этган. Тўпчилар, кулоплар, қандолатчилар, мисгарлар, темирчилар маҳаллаларида касб-хунар асосида бирлашиб ишлашларини қўрсатади. Илм, тасаввуф ва бадий ижодиётда сулолавийлик, ворисийлик ҳам жамоавийлик анъаналарининг узвий давоми бўлиб келган. Мантиқа кўра, жамоавий турмуш тарзи мустахкам бўлган ўзбекларнинг дунёда илғор миллат бўлишини тасаввур этиш мумкин эмас. Аммо миллий кечмишимиз аянчли ва изтироби лавҳалардан ҳам холи бўлмаганлиги эса, афсуски, бу мантқиқ тўла тасдиқлай олмайди.

Нима учун дунёга Абу Наср Фирдавсийнинг «Шаҳнома» берган, зардуштийлик дини орқали оламга яқинлашган ҳародга сивиниш маданияти сингирган, инсониятга Ал-Хоразмий ҳақоси орқали янги усулдаги замонавий санок тартиботларини тўхфа қилган, Ибн Сино орқали тиб илмини юксакликларга олиб чиққан, ислом дини мазмуини тўғри ва дунёвий талқин этиб, унинг инсоний моҳиятини теран очиқ берган Имом Бухорий, аз-Замашарий, Нахшбандий, Қулолдин, Абу Мансур Ахури, Бобур каби суў муқимнинг сунонларини етиштирган буюқ халқ сўнгги тўрт юз йил мобайнида турли изтироби лавҳалардан иборат бўлиб келган.

Ушбу саволга жавобини қисқартиришни тасаввур этган миллатимизнинг муносабатлари тартиботидики компро-

мисс ва консенсус тушуначалари моҳиятини таҳлил этиш орқали излашга ҳаракат қиламиз. Маълумки, компромиисс деганда икки уч томоннинг вақтинча муроаса ҳолати тушуналади. Компромисс ҳолатида томонлар бир-бирларига тоқат қиладилар, рақиблар билан кескин ихтилофлардан онгли равишда тийилиб турадилар. Шу боис ҳам «компромисс» — муваққат, яъни вақтинча келишув ҳолати сифатида тушуналади. Компромисс ҳолатида ташқи зиддиятлар ички шаклга ўтади. Ички зўриқиш вазиёти муайян муддатгача ўзини ошқор этмай туради. Аммо бирор-бир томон учун қулайроқ ижтимоий-сиёсий муҳит юзага келиши биланок, компромисс ҳолати ошқора зиддиятга айланиб кетади. Табиийки, компромисс ҳолатини миллий менталитет, ахлоқ-одоб, давлат ва жамият бошқарувидаги ўзига хослик маълум даражада жиловлаб туради.

Шу нарса эътиборга олишда, компромисс ҳолати муайян ижтимоий-сиёсий муҳит, давр, маънавий-маданий ёндашувлар ўзгариши билан консенсусга айланиши мумкин. Шу боис ҳам компромисс оралик муҳит бўлиб, таяниш ва ишонч билан ҳамкорлик қилиш учун мустахкам бўлган ҳолат ҳисобланади. Аммо, жамият ҳаётида моҳият эътиборига кўра компромисс ҳолати керакли ҳодисадир. Жалолддин Румий таърифига кўра «Муроаса бўлса кичик ишлар ривожланади. Муроаса бўлмаса, катта ишлар ҳам завол топади».

Муроаса ҳолатида ҳар икки томон алоҳида-алоҳида ривожланишга интилади. Кичик ишлар бирмунча жонланса-да, катта ишлар ривож топмайди. Шунга қарамай, компромисс ҳолати жамиятда маълум муддатга бўлса-да, муайян турғунлик, тинчлигини таъминлашда мумкин. Муҳаммад Пайгамбар ташқи таъийқларга кўра, Маккадан Мадинага кўчиб, ҳижрат қилган чоғларида «Кофирун» сураоси нозил бўлган. Маккадаги кофирларга ушбу сура ўқиб эшиттирилган. Унга кўра исломга таъийқ қилинган. Унга кўра исломга таъийқ қилинган. Унга кўра исломга таъийқ қилинган.

Инсоний муносабатларда консенсус тушуначаси ўзаро яқинлигини қўйидаги таснифида ёрқин намоён бўлади. Одатда одамлараро яқинлик ўзаро танিশув, яъни «танишчилик»дан бошланиб, бир-бирини «билишчилик»ка, ундан эса «ўрача»ликка, кейин ака-ука даражасидаги «оғайнигарчилик»ка, сўнг эса «дўстлик» даражасига — олий босқичга ўтади. Мазкур эволюцион динамика моҳият эътиборига кўра поғонама-поғона юксалиш ҳусусиятига эгадир. Турли миллатларда бу жараён ҳар хил кечади. Масалан, атоқли ёзувчи Виктор Гого французлар дўстлиги ҳусусида фикр юритиб, бу халқ вакилларининг фавқулодда саноқлилиги ва ўз яқинларининг манфаати йўлида жонини фидо этишга ҳамийша тайёр бўла олишини ўзининг машҳур «1793 йил» номли романида маҳорат билан тасвирлаган.

Шунингдек, Жек Лондоннинг «Мартин Иден», Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарларида ҳам дўстлик даражасидаги инсоний яқинлик лавҳаларини кўплаб учратамиз. Мазкур халқлардаги дўстликка садоқат лавҳалари ўзаро тенг ёшли, мавқе ва мартабаси ҳар хил, аммо маслаги бир одамлар ўртасида кечади. Бу халқлар ҳаёти билан бадий асарлар орқали танишган китобхонлар дўстлигининг самимиий қудратига ишондилар.

Сайловчилар ҳузурида

МУКАММАЛ ҚОНУН — ФАРОВОН ҲАЁТ КАЛИТИ

Поп туманидаги ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари жамиятида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Муҳаббат Абдуллаева билан ўрашув-мулоқот ўтказилди. Депутат сўзи аввалда ишлаб чиқилаётган қонунлар, уларнинг ҳаётда нечоғли аҳамиятли эканлиги, эътиборга лойиқ жиҳатлари ҳақида тўхталди.

Барпо этилишини тезлаштириши керак. Катнашчилар томонидан берилган саволлар, билдирилган мулоҳазалар мулоқотнинг янада жонли ўтишига сабаб бўлди.

— Ўзбекистонда демократиянинг миллий моделини шакллантиришда қонун ижодкорларининг ҳам ўрни катта, — деди М. Абдуллаева. — Хабарингиз бор, ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий мақсади аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялашдир. Қонунчилик палатасидаги фракциямиз фаолиятда ушбу масала марказий ўринни эгаллайди. Эндиликда ҳар буюқ сиёсий ҳуқуқий билимларимизни мустахкамлаб боришимиз, мамлакатимиз ва дунё воқеаларидан кенроқ хабардор бўлган ҳолда уларга онгли муносабатда бўлишимиз керак. Фуқаро қанчалик сиёсий фаол, ҳуқуқий билимдон бўлса, қонунларимиз шунчалик тўлақонли ишлайди. Бу жараён эса янги жамият

Косонсой ёнги санок касб-хунар коллежида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Нўмонжон Аҳмадҷоновнинг сайловчилар билан ўрашуви бўлиб ўтди. Депутат Республика Президентли томонидан Қонунчилик палатасига киритилган янги қонун лойиҳаларига сайловчилар эътиборини қаратади. Мулоқот давомида иштирокчилар мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқилаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, янги қонун лойиҳалари, уларда белгиланган тартиблар бўйича, айниқсан, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва ролининг ошиб бориши ҳусусида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Косонсой тиббиёт ҳамад ақтисодиёт коллежларида давом этган ўрашувлар ҳам баҳс-мунозара, савол-жавоблар асосида ўтди. **Носиржон ДЕҲҚОНОВ,** «Ўзбекистон овози» муҳбири

«Мен нега ХДПни танладим?»

КЕЛАЖАК ВА БУГУННИНГ ГАПИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йўналтирилгани менга ёқди. Янги қонун лойиҳалари кучга киргач, янги ҳуқуқий майдон, янги имкониятлар пайдо бўларкан. Бу яхши. Аммо партиямизга хайрихоҳлар ҳақида ҳам кўпроқ жон қўйиришимиз керак. Масалан, коллежимизда 835 нафар ўқувчи таълим олаётти. Хўш, улардан қанчаси битиргач, ишга қабул қилинади? Бошқа коллежларнинг битирувчиларини-чи? Меҳнат бозорида коллежларни битириб чиқаётган хунар эгаларига талаб қандай эканлигини аллақачон ўрағниш пайти келган.

Жасур МУРОДОВ, туман агросаноат коллежи ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси:

Галнинг сираси, суҳбатнинг бу қадар жонли ўтишини кутмагандим. Улар партиямизнинг келажагига айтаётган гапи, аниқ тақлиф бор. Шу мисолнинг ўзидеки партия аъзолари фаолиги ошиб бораётганини қўрсатмоқда.

— Партияга ўтганимга бир йил бўлди. Коллежимизда 672 нафар ўқувчи таълим олмақда. Мен уларга «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрағниш» фани бўйича дарс бераман. Очиги, қуруқ, ҳаётдан узок гоғлар билан ёшларни жалб этиб бўлмайди. Менга партиямиз халқнинг тилидаги гапни айтаётгани, жиҳдий масалалар билан қилиш ташаббуси билан чиқаётгани ёқди.

Гўзал НОМОЗОВА, Китооб маъийи хизмат касб-хунар коллежидаги «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси:

— Партияга ўганимга ҳам тўққиз ой бўлиб қолди. Партиямиз гоғоси эзгу мақсадга, савобли ишларга

Юносу УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Қарор ва ижро

ОЛМОҚ КЎП-У, БЕРМОҚ КАМ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ НЕГА КЕСКИН КАМАЙМАЁТИР?


Очик тан олиб айтиш керакки, буюқни ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Шахсий ўрғоримиздан тортиб, улкан ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қорхоналар фаолияти энергия қувватига боғлиқ. Ҳа, электр энергияси тенги йўқ, беимнат дастёр. Уни ишлаб чиқариш ва узатиш учун эса катта меҳнат ва маблағ талаб этилиши барчага маълум. Бинобарин, истеъмолчи ўзи фойдаланаётган электр энергиясининг баҳосини, бошқача айтганда, қадр-қимматини яхши билиши керак.

Аслида эса бу каби муаммолар бўлмаслиги керак эди. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг қарориди хисоб-китоб қилиш оий тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмоил қилган электр энергиясини учун тўланмаган қарзи мавжуд бўлган ва шартномада назарда тутилган қорхоналар ва жисмоний шахсларга электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш бўйича талабларга риоя этилиши учун шахсан жавобгарлик «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва худудий

электр энергияси сотиш қорхоналари зиммасига оқлатилганлиги алоҳида таъкидланган. Хўш, ҳукумат қарорининг ушбу бандлари Самарқанд вилояти «Электр тармоқлари» очик хиссадорлик жамияти ва унинг кўйи қорхоналари раҳбарлари томонидан қандай бажарилмоқда?

Урганишлар шунини кўрсатмоқдаки, худудий электр тармоқлари қорхоналари масъул ходимлари истеъмолчилар билан электр энергиясининг фойдаланиш бўйича тузилган шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш ва шу асосда назарда тутилган чора-тадбирларни қўллагани масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Масалан, жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарзлари мавжуд бўлган 269 та қорхона ва ташкилотга қарор талаблари-

рига етказилиб, 235 та қорхона ва ташкилотларнинг 942,2 млн. сўмлик қарзлари ундириб олинди. Натияжада, жорий йилнинг 1 январига келиб электр энергияси бўйича дебиторлик қарзларининг 6006,2 млн. сўмга камайишига эришилди. Лекин, афсуски, вилоятда фойдаланилган энергия учун хисоб-китоб қилишда Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун хисоб-китоб механизмининг тўддан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига зид ҳолатлар ҳамоно кўлаб учраб турибди. Натияжада бу борадаги дебитор қарзлар миқдори кишини қаноатлантирадиган даражада камайиётти.



Қарорда энергия билан таъминловчи ташкилотлар ходимларига қарор талабларини бажармаган турли ҳолатлар учун турли жазо чоралари, ҳатто эгзаллаб турган лавозимидан

озод этиш ва маъмурий ҳамад жиноий жавобгарликкача бўлган тадбирлар белгиланган. Шу асосида вилоятда электр энергиясидан фойдаланишда муддатга ўтган дебиторлик қарзлар ўсишига йўл қўйган тармоқнинг 65 нафар мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Пастдаргом тумани, Урганч туманидаги Деҳқонбод, Каттақўрган туманидаги Қорадарё электр тармоқлари қорхоналарида электр энергияси хисоб-китоби бўйича эса ҳужжатлар вилоят прокуратурасига юборилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг тегишли моддалари бўйича жиноий ишлар кўзғатилди.

Масалан, Каттақўрган туманидаги Эркин Раҳимов бошчилиқ қилаётган Қорадарё электр тармоқлари қорхонасида 2006 йил давомида 17 нафар юридик истеъмолчи фойдаланилган

даврига нисбатан 1886 млн. сўмга, муддати ўтган қарзлар эса 170,2 млн. сўмга ошиб кетган.

Қўриби турибдики, қатор туман, қорхона ва ташкилотларда фойдаланилган электр энергиясини учун хисоб-китоб қилишда аҳоил яхши эмас. Бу ҳолат «Ўзбекэнерго»нинг вилоятдаги худудий қорхоналари раҳбарлари ҳамад вилоят Давлат солиқ идоралари ходимлари зиммасига катта масъулият юқлайди. Вазирлар Маҳкамасининг қарориди қарори ижроси тўла таъминланмас экан, бу муаммолар давом этаверади.

Этларбе ТЎРСУНОВ, Вилоят Давлат солиқ бошқармаси шўбха бошлиғи

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТАБАНК» СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР ХУСУСИДА

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк» Сурхондарё вилоят бошқармасининг туманларда 15 та бўлим, 33 та минибанклари мавжуд бўлиб, улар турли шакллардаги турли шакллардаги 10 минг 150 дан ортиқ юридик шахслар, шунингдек, 4 минг 569 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу — мижозлар сони 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 3 мингтага кўп, дегани.

Бўлса, sanoat ishlab chiqarishga 504,5 миллион сўм, кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 1427,2 миллион, қурилиш, маиший хизмат ва бошқа соҳаларга 207,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Жумладан, Бойсун туманидаги «Файз» хусусий фирмасига вилоят меҳнат бошқармаси маблағи ҳисобидан 40 миллион сўм, «Хуршид» кичик корхонасига 30 миллион, Шеробод туманидаги «Маржон» хусусий фирмасига 35 миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида фермерларга техника ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 695,5 миллион сўм кредит ажратилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали oilalar «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да Музробод, Олтинсой, Сарисойиё ҳамда Узун туманларининг ўзидек 440 миллион сўмга яқин микрокредит маблағлари билан таъминланди. Бу ишларни насиб этса, «Ихтимойий ҳимоя йили»да ҳам изчил давом эттирилиз...

қиясини жалб этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида филиаллар томонидан қирқдан ортиқ лойиҳалар тақдим этилган. — суҳбатта қўшилди **кичик бизнес субъектларини кредитлаш бўлими бошлиғи Умиджон Холиқов.** — Шундан хорижий валютада молиялаштирилган лойиҳалар 11 та. Умумий қиймати 1825,0 минг АҚШ доллари миқдорда. Қарийб 1 миллиард сўмликдан иборат яна 10 та лойиҳа бор. Улар қурилиш материаллари, саноят, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари учун мўлжалланган...



Мазкур банк ҳар томонлама қулай ва ишончли, — тасдиқлади улар сўзини **«Меридиан отел» мехмонхонаси директори Қоржон Шералиев.** — 2003 йилда 450 миллион сўм кредит олгандик. Қисқа муддатда 1 миллиард 756 миллион сўмга тўрт юлдузли кўркемга мехмонхонамизни ишга туширдик. Бугун дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларидан мехмонларни қабул қилаёмиз. Эллиқдан ортиқ янги иш ўринлари ҳам яратилди...

Рақамларга қайтаёмиз: Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки маблағи ҳисобидан Шеробод туманидаги фермер хўжалиқлари ва муқобил машина-трактор паркларига техника ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 3 миллиард 595 миллион 460 минг сўмлик кредитлар берилган. Унга яқин машина-трактор парк ва фермерларга 7 йил муддатга 1115883,6 доллар миқдорда 13 та ғалла ўрши комбайни сотиб олиш учун ҳам кредит ажратилди. Европа тик-



ланаш ва тараққиёт банкининг 99 минг 871 долларлик лойиҳаси бўйича Термиз шаҳрида пиво ишлаб чиқарадиган ихчамгина завод ҳамда Денов туманидаги «Хайрбод» маъданли суви» ишлаб чиқариш хусусий корхонасида 83500,0 долларлик технологик линиялар фаолият бошлади. Келажакда воҳада Осиё тараққиёт банкининг 610,0 минг долларлик маблағи эвазига ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган минизавод қуриш ҳам кўзда тутилган.

Шу кунга қадар банк Жарқўрган, Ангор, Қумқўрган туманларидаги фермер хўжалиқлари ва муқобил машина-трактор паркларига кишлоқ хўжалик техникалари ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 577001,68 долларга тенг миқдорда кредит ажратди. Шунингдек, фермер хўжалиқларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан техника ва эҳтиёт қисмлар олиш учун 523 миллион 677 минг сўм, сервис хизматларини ривожлантириш мақсадида 6 миллион, чорвачиликка 33 миллион ва бошқа хизматлар учун жами 25 миллион сўмга яқин кредитлар берди. Қасаначиликни ривожлантириш мақсадида соҳага 130 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Йил давомида филиаллар томонидан кичик бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 685

миллион 600 минг сўм, меҳнат бандлиги жамғармаси ҳисобидан эса қарийб 644 миллион сўм ажратилди. Буларнинг самараси ўлароқ, 2 мингта яқин янги иш ўринлари вуҷудга келди.

ВАЗИРЛАР РОЗИ



Исроил ҳукуматининг яқшанба кунги ййгилишида Фаластин автономияга 100 миллион доллар миқдорда ёрдам пули берилиши тасдиқланди. Бу борадаги келишувга сал аввалроқ Фаластин президенти Махмуд Аббос ва Исроил бош вазирлари Эхуд Ольмерт учрашувда эришилган эди. Исроил томонидан ажратилмаган пулни Махмуд Аббос етакчилигидаги маъмурият олади. Бош вазир Ольмерт «ХАМАС» ҳаракати томонидан Фаластинда шакллантирилган ҳукумат ва маблағни олмаслигини қатъий таъкидлаб ўтди.



УЙ-ЖОЙЛАР НАРХИ ОШМАЙДИ

Москва шаҳри мэри Юрий Лужков келгуси йилда Россия пойтахтида турар-жойларнинг нархи ошмаслигига ишонч билдирмоқда. У Россия телевидениесининг биринчи каналига берган интервьюсида «Келгусида турар-жойларнинг баҳоси ошмайди. Чунки, биз уй-жойларнинг қурилиши ва баҳоси бўйича яхшигина натижаларга эришмоқдамиз» дея таъкидлаб ўтди.

Пойтахт мэрининг фикрича, турар-жойлар қурилишининг кўпайиши кўчмас мулк баҳосининг пасайишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Йўллардаги пробкаларни камайтириш бўйича ҳукумат томонидан қандай чоралар қўрилайётганлиги тўғрисида берилган саволга мэр шундай деб жавоб қайтарди: «Бугунги кунда Москвада 3 миллион 200 мингта автомобиль рўйхатга олинган, 800 мингта автомобиль шаҳарга кириб-чиқади, 250 мингта юк ташувчи машиналар бор. Буларнинг бари шаҳар транспорти. Айтишим мумкинки, ҳозир шароит яхши томонга ўзгармоқда. Чунки, Россия Федерацияси ҳукумати келгуси йилда пойтахтга йўл қурилиши учун катта миқдорда маблағ ажратмоқда.

Шунингдек, Ю.Лужков жамоат транспортини ҳам янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.



САВДО МАРКАЗИДА ОТИШМА


Яқшанба кунги АҚШнинг Флорида штатида жойлашган савдо марказида отишма содир бўлди. Натижада бир киши ҳалок бўлган. Полиция қуролланган уч кишини қўлга олган. Полиция томонидан бинодагилар тўлиқ эвакуация қилинган ва отишманинг сабаби ва оқибатлари, иштирокчилари аниқланмоқда.

«TOYOTA» «GENERAL MOTORS»НИ ҚУВИБ ЎТМОҚДА

Япониянинг «Toyota» компанияси автомобиль ишлаб чиқариш бўйича 2007 йилда АҚШнинг «General Motors» компаниясини орта қолдириб, дунёда биринчи ўринга чиқиб олади. Хозирги етакчи — «General Motors» қийин давларни бошдан кечирмоқда: машиналар сотуви камайган, ишлаб чиқариш

қисқартирилган. «Toyota» эса, аксинча, ривожланиб, кўрсаткичлари ошиб бормоқда.

Экспертларнинг хулосаларига кўра, General Motors келгусида 30 мингта яқин ишчи ўринларини қисқартириб, бир нечта заводларини ёпишга ҳаракат қилмоқда. «Toyota» эса 2010 йилгача дунёнинг турли бурчакларида компаниянинг яна ўн та заводини қуриш режаси борлигини эълон қилган.




ЭЪЛОН

Андижон вилоят Хўжалик судининг 2006 йил 1 декабрь кундаги №17-06-05-13022 сонли ажримига асосан Булоқбоши туманидаги «Булоқбоши Ипаги» ОАЖга нисбатан банкротлик иши қўзғатилиб, қузатув жорий қилинди. Муваққат бошқарувчи этиб И.Исмоилов тайинланган.

Иш 2007 йил 15 январь кунги соат 10.00 да вилоят Хўжалик суди биносида қўрилади. Кредиторлар биринчи ййгилиши 2007 йил 5 январь кунги соат 14.00 да корхона биносида бўлади. Барча кредиторларни ййгилишида ваколатнома ва солиштирма далолатнома билан қатнашишларини сўраймиз.

Маълумот учун телефонлар: 257-54-47, 77-32-362


ЙЎЛОВЧИЛАР КУТИБ ҚОЛИШДИ



Франция ва Бельгиядаги аэропортларда жуда кўп йўловчилар тўпланиб қолишди. Бунга сабаб шуки, парвоз учун ноқулай об-ҳаво туфайли яъни, қалин туман бўлганлиги боис жуда кўплай рейслар бекор қилинган. Брюсселдаги Шарлеруа аэропортида уч мингга яқин йўловчи учини кутиб турибди. Шунга ўхшаш муаммо билан британиялик авиайўловчилар дуч келишган. Туман қалин бўлганлиги оқибатида Хитроу аэропортида мингдан ортиқ рейслар бекор қилинган.

ВАГОН ЁҚҚАН УШЛАНДИ

Украинанинг Харьков вилоятида 26 яшар безори йигит ушланди. У шанба кунги кечки пайт Харьков — Язиково йўналиши бўйича ҳаракатланаётган электрчиқанинг вагонини ёқиб юборган. Украина телевидениеси 5-каналнинг маълум қилишича, ёнган оқибатида етти киши нобуд бўлган. Тергов давомида «Ўт билан ўйнашганинг» ўша пайтда маст бўлганлиги аниқланди.



Республика акциядорлик тижорат банки

«ҒАЛЛАБАНК»

мустақил республикамизнинг барча аҳолисини ҳамда ўзининг доимий мижозларини кириб келаётган ЯНГИ — 2007 йил билан муборакбод этади!

2007 ЙИЛ — «ИЖТИМОЙИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ»да ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайди ва миллий валютада қуйидаги муддатли ва жамғармали янги жозибадор омонат турларини таклиф этади:

«МУКОФОТ» омонат турига маблағлар **2 ОЙ** сақлаш ва йиллик **18 ФОИЗ** устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори **100 МИНГ СЎМ**.

«SOVG'A» омонат турига маблағлар **3 ОЙ** сақлаш ва йиллик **18 ФОИЗ** устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган кунга, яъни олдиндан тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори **500 МИНГ СЎМ**.

«МЕНР» омонат турига маблағлар **6 ОЙ** сақлаш ва йиллик **18 ФОИЗ** устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори **100 МИНГ СЎМ**.

«МО'JIZA» жамғармали омонат турига **11 ОЙ** сақлаш ва йиллик **18 ФОИЗ** устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, дастлабки қўйилган омонат устига хоҳлаган вақтда қўшимча маблағ қўйиш мумкин. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори **100 МИНГ СЎМ** қилиб белгиланган.

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан қамолатланади.

«ҒАЛЛАБАНК» омонатлари — келгуси даромадларингиз кафолатидир!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»

ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 28 декабрь ва 2007 йил 4, 11, 18 январь кунлари соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уй, ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yarmarka» АК «Ўзгўлжисавдо»нинг биносига, объектнинг бошланғич баҳоси қадамба қадам ошиши тартибиде ўтказиладиган, очик аукцион савдосига такоран Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 53-Б уйда жойлашган «Ўзбектўқимаш» ИЧБ туғатиш бошқарувиغا қарашли «ГАЗ-31029» русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 10 АТ 452 бўлган авторанспорт воситаси қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 1 567 800 сўм. Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закат пули тўлаш шарт.

Заказ пули «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекбанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 2020800004265383002, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун «Kimoshdi savdolari agentligi» га мурожаат қилишигиз мумкин.

Манзилими: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй, ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yarmarka» АК «Ўзгўлжисавдо» биноси, 4-қават, 428-хона. Маълумот учун телефон: 168-04-97.

«ҚЎЙЛИК ДЕХҚОН БОЗОРИ» ОАЖ

Ички аудит хизматлари лавозимларига танлов эълон қилади

Хизмат раҳбари 1 та. Хизмат аудитори 1 та

Номзодларга талаблар:

- ❖ олий маълумот ҳақида диплом;
- ❖ малака ҳақидаги сертификат;
- ❖ бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида охириги ўн йилликдан икки йиллик амалий иш стажи.

Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

700026, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, «Қўйлик» деҳқон бозори майдони. Тел.: 195-27-93, 195-94-36.

Ватан туйғуси

ЭНГ МУҚАДДАС НЕЪМАТ...

Агар биздан бирор киши инсон ҳаётининг гултожи...

ҳиёнат қилишни хоҳламайди, ҳамisha унга талпинади.

Шунингдек, ватанпарварлик аниқ бир ҳаётий муҳитда...

Кимки миллати, дини, irqдан ҳатти назар, қаерда тугилиб ўсса...

Донишмандлардан бири «Ватанимнинг тинчлиги меннинг оилам тинчлигида...

Инсон қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар шу мамлакатда тугилгани...

Она-юрт тушунчаси билан бевосита боғлиқ туйғулар Ватандан ташқарида...

Ватан қўнича муайян ҳудуд, мамлакат ёки давлатга ўз номини берган ва шу ерда...

Хулоса ўрнида айтсак, кимнинг ўз Ватанига бир дақиқа ёки бир соат...

СП ООО «ORSHAN TEXTILE» сообшчаёт об уменьшение уставного фонда до 190 945, 80 долларов США.

«В» гуруҳи: Вьетнам, Япония, Қатар, БАА. «Д» гуруҳи: Индонезия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Баҳрайн.

Билиб қўйган яхши

СОВУҚДА ЧЎМИЛИШ КОНИ ФОЙДАМИ?

Киш-қировли кунларда ҳовуз ва сойларда чўмилганларни кўриб, ҳам ҳавас қилсан, ҳам эдинг жунчиқиб кетади.

ҳаракат қилса, касалликка қарши курашиш қувватимиз ҳам шунга яраша бўлади.

— Олтмиш беш баҳорни қаршилаган Пётр Василевич йил бўйи сув ҳавзаларида яйраб чўмиларди.


Совуқ кунларда ҳам дарё-кўлларда чўмилишни одат қилган «морж»лар эса сувда кўпроқ бўлишни, музларни уриб синдиришни, сузишни эҳтирдилар.

Амалда эса совуқ сувда чўмилганимизда биз фақат дастлабки сониялардагина танамизга фойда келтиришимиз мумкинлиги исботланди.

Инсон боласи чиниққан, касалликларга чап берадиган бўлишни орзу қилади. Бу яхши, албатта.

ASAKA BANK advertisement with logo and text: «АСАКА» давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси кириб келаётган Янги — 2007 йил билан сизларни муборакбод этади.

Спорт



МУХЛИСЛАР ЭЪТИБОРИДАГИ МУСОБАҚАЛАР

Футбол ишқибозларини янги йилда қизиқарли мусобақалар кутиб турибди.

Вьетнамда уюштирилади. Финал 29 июлда Индонезия пойтахти Жакартада бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Яқинда Куала-Лумпур (Малайзия)да қўтба мусобақасига қўрға ташланди. Унга кўра, Осиё кубоги саралаш учрашувларини муваффақиятли яқунлаган ўзбекистон миллий терма жамоаси Малайзияда ўтадиган «С» гуруҳи баҳсларида иштирок этадиган бўлди.

Хабарингиз бор, 2007 йилнинг 20-28 январь кунлари Москвада аънавий МДХ кубоги халқаро турнири ўтказилди.

Кўрға натижаларига мувофиқ, пахтакорчилар мусобақанинг «С» гуруҳида «Шахтёр» (Донецк, Украина), «Вентспилс» (Вентспилс, Латвия), «Бананц» (Ереван, Арманистон) жамоаларига қарши тўп суришди.

Қолган гуруҳларда қўйидаги жамоалар ўзаро куч синашадилар: «А» гуруҳи: ЦСКА (Москва, Россия), «Актобе» (Актобе, Қозғистон), БАТЭ (Борисов, Беларусь), «Регар-ТадАЗ» (Турсунзода, Тожикистон).

«В» гуруҳи: «Бок» (Бок, Озарбайжон), «Шериф» (Тираспол, Молдова), «Левадия» (Маарду, Эстония), «Дордой-Динамо» (Норин, Қирғизистон), «Д» гуруҳи: ОФК (Белград, Сербия), МТТУ (Ашгабад, Туркменистон), «Каунас» (Каунас, Литва), «Сиони» (Болниси, Грузия).

Сўнги маълумотларга қараганда, УФФ Москва пахтакорчилар ўрнига 2008 йилги Пекин олимпиадаси саралаш учрашувларига ҳозирлик кўраётган ўзбекистон Олимпия терма жамоасини жўнатишни режалаштирмақда.

Интер-спорт

«ЧЕЛСИ»ДА САРФ-ХАРАЖАТ КАМАЯДИ



Лондоннинг «Челси» клубида бундан буюн турли жамоалардан футболчиларни сотиб олиш билан боғлиқ сарф-харажатлар камайдиган бўлди.

Шунингдек, Абрамович кейинги икки йилда «Челси» эришган ютуқлардан фохрла-нишини ҳам яширмади.

МУРАББИЙНИНГ ШОВ-ШУВГА ТОҚАТИ ЙЎҚ

Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби бош мураббийи Алекс Фергюссон ҳар учрашувдан сўнг ўтказиладиган матбуот йиғилишларидан қўнгли тўлмаётганини ошқор этди.



«Матбуотда айтилган фикрларни бўрттириш, йирик сарлавҳаларга чиқариш мухбирлар учун ўзига хос касалликка айланмоқда, — дейди мураббий. — Шунинг учун ҳам кейинги беш йил давомида бундай йиғилишларга боришга журьят этмаяман».

РОНАЛДО БАҚАЛОҚ ЭМАС



Бразилияда чоп этиладиган «Folha de Sao Paulo» нашри журналистлари мамлакат терма жамоаси ва «Реал» клуби тўпурари Роналдонинг ортиқча вазнга эга экани ҳақида ёзишни давом эттирмайдиган бўлдилар.

Table with contact information for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rif, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, etc.